

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ИПАК ЙЎЛИ” ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ХАЛҚАРО**  
**УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚУЧҚОРОВ ЖАВЛОН СУЮНДИК ЎҒЛИ**

**МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР ДИАЛЕКТИКАСИ**  
**БОСҚИЧЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**  
**(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро-2022**

**УДК: 1.8 (575.1)**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy(PhD) on  
philosophical sciences**

**Кучкоров Жавлон Суюндик ўғли**

Миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикаси босқичларининг  
ижтимоий-фалсафий таҳлили (Ўзбекистон Республикаси мисолида).....5

**Кучкоров Джавлон Суюндик угли**

Социально-философский анализ этапов диалектики национальных идей  
и демократических перемен (на примере Республики Узбекистан) .....22

**Kuchkorov Javlon Suyundik Ugli**

Socio-philosophical analysis of the stages of the dialectic of national ideas  
and democratic changes (on the example of the Republic of Uzbekistan) .....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications works.....48

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ИПАК ЙЎЛИ” ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ХАЛҚАРО**  
**УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚУЧҚОРОВ ЖАВЛОН СУЮНДИК ЎҒЛИ**

**МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР ДИАЛЕКТИКАСИ**  
**БОСҚИЧЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**  
**(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Fal496 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Яхшиликков Жўрабой Яхшиликкович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Мухторов Азамат Мухторович**  
фалсафа фанлар доктори, профессор  
**Музаффаров Фируз Давронович**  
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)  
доцент

**Етақчи ташкилот:** **Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “29” Июль соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu\_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (158 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “15” Июль куни тарқатилди.  
(2022 йил “15” Июль даги 12 рақамли реестр баённомаси.)



**Наврўзова Г. Н.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Шарипов А. З.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Саломова Х. Ю.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари бевосита инсоннинг ғоя ва демократик муносабатлар ўртасидаги алоқадорликни янада кучайтиришга бўлган эҳтиёж ва манфаатларни креатив тарзда ташкиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу борада демократик ислохотлар юқори ўсиш суръатларига эришган тараққийпарвар мамлакатларда “Британия орзуси”, “Америка орзуси”, “Германия орзуси”, “Япония орзуси” каби ғоя ва мафкура асосида ўзаро умуминсоний ва миллий қадриятларга уйғунлашган ҳолда шахснинг фаолият юритиш тарзига айланиб бормоқда. Миллий ғоя ва демократик муносабатларнинг геосиёсий, геоиқтисодий, геомафкуравий қарашлар таъсирида диалектик тарзда ташкил этмаган мамлакатларда миллий ғоянинг инсон қадрлари, халқпарвар давлат, адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини ҳамда демократик ўзгаришларнинг иқтисодиётни ривожлантириш, адолатли ижтимоий сиёсат, инсон капитали тараққиётининг қонуниятларини аниқлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида демократик ўзгаришлар жараёнида ғоя ва мафкуранинг аҳамияти, миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасини очиб беришга қаратилган илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жаҳон ривожланишининг маданий борлиқнинг субстанционал бир бутунлиги қонуни, маданий борлиқнинг илгарилама субстанционал доиравий айланиш қонуни ва эҳтиёжларнинг ошиб бориш қонунининг миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасидаги методологик аҳамиятини аниқлашга эҳтиёж тобора ортмоқда. Шу нуқтаи назардан миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасини “диалектик маданий тушуниш” концепциясига алоқадорлигини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш зарурати ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда “инсон қадрлари учун” деган ҳаётбахш ғоя асосида ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. “Бугунги глобал маконда, ўзаро рақобат, турли сиёсий, иқтисодий, ғоявий қарама-қаршиликлар ниҳоятда кучайган ҳозирги шароитда ёш авлод тарбиясининг ўрни ва аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. ... Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни узлуксиз ривожлантиришимиз зарур”<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан миллий ғоя ва демократик ўзгаришларнинг мослашувчан ҳамда барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг мувофиқлаштирувчи, потенциал имкониятларини аниқлаш ва ижтимоий-фалсафий жиҳатдан асослаб бериш муҳим аҳамиятга эга.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б. 292.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” фармони, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 17 сентябрдаги 736-сон “Таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикаси босқичларининг ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этишда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари методологик аҳамиятга эга назарий манба бўлиб хизмат қилади<sup>2</sup>.

Жаҳонда миллий ўзликни англаш ва бу соҳада келиб чиқадиган низоларни демократик усуллар орқали ҳал этишда хорижлик олимлар Г. Дональд, В. Rogers, Ш. Мартин, К. Уокер, Г. Степен, Г. Дерлугьян, мафкуравий жараёнларнинг илмий таҳлилини амалга оширишда П. Сорокин, Ф. Бродель, А. Тойнби, А. Барг, Л. Февер тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади<sup>3</sup>.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимларидан А. Логинов, В. Макаренко, Д. Мисюров, О. Савелева, миллий ғоянинг жамият

<sup>2</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами. – Тошкент: 1996-2015 йй.; Мирзиёев Ш.М. Асарлар. -Тошкент: 2017-2021 йй. / Тегишли адабиётлар диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.

<sup>3</sup> Donald, Horowitz. Ethnic groups in conflict. University of California Press, 2000. – 697 p.; Brubaker, Rogers Citizenship and statehood in France and Germany. Harvard University Press, 1998. – 188 p.; Shaw, Martin. Global Society and International Relations: Sociological Concepts and Political Perspectives. Cambridge: Polity Press, 2000. -214 p.; Connor, Walker. Ethno-nationalism. Princeton University Press, 1994.; Gibson, Stephen. Social Psychological Studies of National Identity: A Literary Review. - Oxford University Press. 2000. – PP.74–75.; Дерлугьян Г.М. Как устроен этот мир. Наброски на макросоциологические темы. — Москва: Издательство Института Гайдара, 2013.; Сорокин П.А. Голод как фактор. – Москва: Наука, 2003. - 684 с., Бродель Ф. Что такое Франция. – Москва. 1995. - 488 с.; Тойнби А.Дж. Постигание истории. – Москва: Прогресс, 1991. - 411 с.; Барг М.А. Проблемы социальной истории. – Москва: Наука, 1973. - 232 с.; Февер Л. Бои за историю. – Москва: Наука, 1991. - 632 с.

таракқиётидаги ўрнини, маънавий янгиланишлар ва қадриятларнинг демократик ўзгаришларга алоқадорлиги, мафқуранинг таракқиёт дастурларига диалектикаси масалалари С. Токарева, А. Багаутдинов, идеология фанларининг методологиясига оид муаммолар В. Сыров, Л. Репина, Н. Смоленский илмий изланишларида очиб берилган<sup>4</sup>.

Мамлакатимизда миллий ғоя, демократик ўзгаришлар ва уларнинг ўзаро алоқадорлигига оид муаммолар миллий ғоянинг демократик ислохотларга ҳамоҳанглиги масалалари сиёсий-тарихий нуқтаи назардан Н. Жўраев, Р. Жумаев, миллий ғоя ва глобаллашув жараёнларининг фалсафий таҳлили С. Отамуратов, Б. Тўйчиев, демократия ва маънавият масаласи А. Эркаев, Ў. Абилов, миллий ғоя ва манфаатлар диалектикаси А. Мухторов, М. Қуронон, И. Эргашев, глобаллашув даврида мафқуравий экспансия ва миллий ғоя зарурати масалалари Ж. Яхшиликков, Н. Муҳаммадиев тадқиқотларида таҳлил этилган. Маънавий янгиланиш тамойиллари ва ғоявий ўзгаришлар Б.Тўраев, Қ. Назаров, З.Қодирова, А.Шарипов илмий изланишларида тадқиқ қилинган. Бундан ташқари демократик жараёнларни ҳуқуқий таҳлил этишда Ҳ. Бобоев, З. Муқимов, Ш. Тошқулов, тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга<sup>5</sup>.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари эътиборга олинди.

---

<sup>4</sup> Логинов А.В. Идеология как проблема социальной онтологии: Дис. ... канд. филос. наук: 09.00.11: Екатеринбург. – 2004. – 136 с., Макаренко В. П. Главные идеологии современности. Ростов н/Дон: Феникс. – 2000.; Мисюрин Д. А. Какая идеология нужна России? // Вестник Московского университета. Серия 12. Политические науки. 1996. -№2. – С.84-86; Савельева О. О Формирование новой российской идеологии // Свободная мысль. – 2000. -№ 3.; Токарева С.Б. Аксиологические основания современной цивилизации: традиции и перспективы. – Волгоград: Волгоградский государственный аграрный университет, 2020. – 176 с.; Багаутдинов А.М. Амбивалентность духовности в информационном обществе: автореф. дисс. на соискание ученой степени доктора философских наук. – Саратов, 2016. – 42 с.; Сыров В.Н. Способы концептуализации всемирной истории и их эволюция. -Томск. 1987-1989; Репина Л.П. История исторического знания. Учебное пособие. – Москва: Дрофа, 2004. - 315 с.; Смоленский Н.И. Теория и методология истории. – Москва: Академия, 2008. - 271 с.

<sup>5</sup> Жўраев Н. Тамаддунга даъват таракқиёт стратегияси. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. –264 б.; Жумаев Р.З. Проблемы формирования и укрепления политической системы Республики Узбекистан : автореферат дис. ... доктора политологических наук: 09.00.10. - Ташкент, 1996. - 40 с.; Атамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2013. -456 б.; Тўйчиев Б. Политическая культура и демократизация общества. Тошкент, 2010. – 282 с.; Эркаев А. Маънавиятшунослик. Маънавият методологияси ва пракиологияси. –Тошкент: “Маънавият”. 2018. – 456 б.; Абилов Ў. Ўзбекистон таракқиётининг оптимистик руҳи. – Тошкент: “Istiqlof”, 2003. – 208 б.; Мухторов А. Глобаллашув шароитида маънавий таҳдидларни бартараф этиш омиллари / масъул муҳаррир Қ. Қуранбоев; Республика маънавият тарғибот маркази. – Тошкент: “Маънавият”, 2015. – 32 б.; Қуронон М. Бетакроримсан, ягонасан, она ватаним, Ўзбекистоним. –Тошкент: Маънавият, 2015. – 160 б.; Эргашов И. Ўзбекистонда маънавият соҳасидаги ислохотлар: ривожланиш босқичлари, эришилган натижалар ва истикболлар (ҳаммуаллифликда) – Тошкент: “Академия”, 2010. – 288 б.; Яхшиликков Ж.Я., Муҳаммадиев Н.Э. Миллий ғоя – таракқиёт стратегияси. – Тошкент: “Фан”, 2017. – 424 б.; Тўраев Б.О. Миллий мафқура ва миллий ғоянинг концептуал асослари // Тўраев Б. Ижтимоий фалсафа, социология, миллий ғоя ва публицистика. Tanlangan asarlar II. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015. - 327 б.; Кадырова З.Р. и др. Проблемы формирования идеологического иммунитета молодежи в процессе развития у неё современного мировоззрения и национальной идентичности. - Ташкент: Национальный университет Узбекистана, 2012. - 202 с.; Назаров Қ.Н. Жаҳон фалсафаси қомуси. 2-қитоб – Тошкент: “Маънавият”, 2019. – 924 б.; Шарипов А.З. Янги Ўзбекистонда маънавий-мафқуравий ислохотлар: ижтимоий-фалсафий таҳлил. Монография. – Бухоро, 2021. – 131 б.; Бобоев Ҳ. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 1-2 қитоб. – Тошкент: “Фан”, 2004-2005; Муқимов З. Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ тарихи. Самарқанд: “Зарафшон”, 1998; Тошқулов Ш. Ў Ўзбекистон миллий давлатчилиги назариясининг ҳуқуқий асослари. 1-2 қитоб. – Тошкент. “Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2005.

Тадқиқотда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикаси, уларни тарихий даврлаштириш босқичларининг ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси мисолида алоҳида монографик тарзда тадқиқ этилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 17-03/41-сон “Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда туризм маданиятини ривожлантиришнинг инновацион усуллари тақомиллаштириш” илмий лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикаси босқичларининг ижтимоий-фалсафий моҳиятини Ўзбекистон Республикаси мисолида очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

демократиянинг манфаатлар уйғунлиги ва унинг бошқарилиши, тартибот шакли, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ўрнатилиши сифатларидаги мазмун моҳиятларини очиқ бериш;

демократик фуқаролик жамияти тўғрисидаги қарашлар миллий ғоянинг асосий таркибий қисми эканлигини асослаш;

миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасини билишнинг методологик даражаларини аниқлаш;

диалектик маданий тушунишни миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасининг ижтимоий-фалсафий методологик асоси сифатида эканлигини исботлаш;

миллий мустақиллик – миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасининг бош масаласи ва янги миллий демократиянинг тамалтоши эканлигини асослаб бериш;

тараққиёт стратегиялари – мамлакатимизда демократлаштиришнинг янги босқичининг методологик асоси эканлигини очиқ бериш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикаси босқичларининг таҳлиliga қаратилган манбалар, илмий адабиётлар ва шу мавзу доирасида бажарилган тадқиқотлар олинган..

**Тадқиқотнинг предмети**ни миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикаси босқичларини Ўзбекистон Республикаси мисолида ижтимоий-фалсафий таҳлил этиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимли функционал таҳлил, объективлик, тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, диалектик алоқадордик, қиёсий таҳлил, герменевтик каби илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасининг инсон қадри, халқпарвар давлат, адолат ва қонун устуворлиги каби ҳуқуқий, миллий иқтисодиёт ривожлантириш каби иқтисодий, адолатли ижтимоий сиёсат, инсон капитали, маънавий тараққиёт каби ижтимоий, хавфсизлик ва мудофаа,

очиқ ва прагматик сиёсат каби сиёсий тамойиллари субстанционал жиҳатдан бир бутунлиги, доиравий айланиши ва демократик эҳтиёжларнинг ошиб бориш қонунлари мавжудлиги аниқланган;

“диалектик маданий тушуниш” концепциясининг жамият ривожланишининг маданийлашган ҳамжамиятчилик ғоясига асосланган цивилизация ёндашув эканлиги, унинг материалистик диалектика принципларидан холи, ривожланиш қонунларини илмий асослаш хусусиятларининг фақат моддий ишлаб чиқариш, маънавий омилнинг ролини ҳисобга олмаслик ва синфий кураш ғоясига асосланган формацион ёндашувнинг хусусиятларидан фарқлилиги асослаб берилган;

Янги Ўзбекистон орзусини рўёбга чиқаришда миллий ғоя ва демократик ўзгаришларнинг тинчлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, инсон қадр ва ҳуқуқи, қонун устуворлиги ва адолат, моддий ва маънавий ҳаётни уйғунлиги каби мослашувчи ҳамда барқарор ривожланиш мақсадлари, оила, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, Ўзбекистоннинг янги маънавий қиёфасини шакллантириш каби мувофиқлаштирувчи потенциал имкониятларидан фойдаланишнинг методологик асоси эканлиги фалсафий жиҳатдан исботланган;

Ўзбекистон ҳудудида юз берган миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар генезисининг корреляцион-функционал ва субстанционал ижтимоий қонунлари ҳамда эволюциясининг қадимги давр, ўрта асрлар цивилизациялари даври, Чор Россияси мустамлакачилиги даври, марксизм-ленинизм ғоялари даври, миллий мустақиллик учун кураш даври, “тараққиётнинг ўзбек модели” даври, “Ҳаракатлар стратегияси” даври ва “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” даври каби тарихий босқичлари далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар босқичларини диалектик маданий тушунишга асосланган концепция асосида таълим жараёнида ёшлар тафаккурида давлатимиз келажаги ва ватанга садоқат руҳида барқарор муносабатни вужудга келтирувчи тасаввурлар, қадриятлар ва анъаналарнинг ўзаро муштараклик сифатлари очиб берилган;

Ўзбекистон ҳудудида юз берган миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар босқичларини ўрганиш ва Янги Ўзбекистон орзусини рўёбга чиқаришда миллий ғоя ва демократик ўзгаришларнинг мослашувчи ва мувофиқлаштирувчи потенциал имкониятларидан “Фуқаролик жамияти” ва “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” фанларининг таълим услубиётини такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган;

тарғибот-ташвиқот тадбирлари асосида кенг аҳолининг миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикаси бўйича саводхонлиги билан давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларини оқилона йўлга қўйиш, сиёсий билим ва кўникмага эга бўлиш, ўз касби, салоҳияти доирасида ватан равнақи ва давлатимиз келажагини ҳимоя қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, замонавий ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, тадқиқот

давомида бевосита муаммога дахлдор бўлган манбалардан фойдаланилганлиги, концептуал ва илмий асосга эга хулоса, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани ҳамда таълим жараёнида кутилган натижаларни кафолатлай олганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек миллий давлатчилигининг вужудга келиши ва тараққий топишининг миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикаси босқичларини таҳлил қилиш ва унинг хусусиятларини очиб беришга қаратилган тадқиқотларда назарий-методологик манба сифатида ҳамда тарих, фалсафа, сиёсатшунослик, социология, маданиятшунослик соҳалари бўйича ўтказиладиган тадқиқотларнинг методологик ёндошувларини такомиллаштириш, таълимнинг бошқа ижтимоий соҳалар билан интеграцион механизмларини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан “Фуқаролик жамияти”, “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”, “Илмий тадқиқот методологияси” фанларидан дарслик, ўқув қўлланма, мажмуалар ва фалсафага оид луғатларни такомиллаштиришда, шунингдек, “Маънавият ва маърифат” марказлари ва таълим муассасаларининг ёш авлодни сиёсий, ижтимоий, тарихий, маънавий саводхонлигини оширишга оид профилактик тадбирлари ва маънавий тарғибот фаолиятида, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг жамият ривожланиш динамикасини ўрганиш, оммавий ахборот воситаларининг медиаматериалларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикаси босқичларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили (Ўзбекистон Республикаси мисолида) бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасининг инсон қадри, халқпарвар давлат, адолат ва қонун устуворлиги каби ҳуқуқий; миллий иқтисодиёт ривожлантириш каби иқтисодий; адолатли ижтимоий сиёсат, инсон капитали, маънавий тараққиёт каби ижтимоий; хавфсизлик ва мудофаа, очик ва прагматик сиёсат каби сиёсий тамойиллари субстанционал жиҳатдан бир бутунлиги, доиравий айланиши ва демократик эҳтиёжларнинг ошиб бориш қонунлари мавжудлигига оид методологик таклиф ва тавсияларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора-тадбирлар дастурининг III боби “Миллий давлатчилигимиз тарихи, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, уларнинг инсонпарварлик ғояларини ҳаётга кенг татбиқ этиш, аждодларга муносиб қилиб тарбиялашда адабиёт, маданият, санъат намуналаридан кенг фойдаланиш чора-тадбирлари” йўналишига оид 20-банди ижросини таъминлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат

марказининг 2021 йил 26 августдаги 02/08-1050-сон маълумотномаси). Натижада, ёш авлодни сиёсий, ижтимоий, тарихий, маънавий саводхонлигини оширишга оид профлактик тадбирлар ва маънавий тарғибот фаолиятида ҳамда ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини ҳаётга кенг татбиқ этишда илмий методологик қўлланма сифатида хизмат қилган;

“диалектик маданий тушуниш” концепциясининг жамият ривожланишининг маданийлашган ҳамжамиятлилиқ ғоясига асосланган цивилизацион ёндашув эканлиги, унинг материалистик диалектика принципларидан холи, ривожланиш қонунларини илмий асослаш хусусиятларининг фақат моддий ишлаб чиқариш, маънавий омилнинг ролини ҳисобга олмаслик ва синфий кураш ғоясига асосланган формацион ёндашувнинг хусусиятларидан фарқларига оид назарий умумлашма ва хулосалардан Фуқаролик жамиятини ривожлантириш марказининг 2020-2025 йиллар ўрта муддатда амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси”нинг 1-йўналишидаги “Фуқаролик жамиятини илмий-назарий ўрганувчи, унинг ривожланишини доимий таҳлил қилиб боровчи таҳлилий, илмий-ўқув лабораториясини (ақл маркази) ташкил этиш” номли 10-бандида ва “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари бўйича амалий ва фундаментал тадқиқотлар ўтказиш” мавзусидаги 11-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Фуқаролик жамиятини ривожлантириш марказининг 2021 йил 23 августдаги 43/02-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегияси вазифалари ижросини таъминлаш орқали келажак истиқболларини олдиндан рационал равишда белгилаб олиш, уларга эришишнинг объектив шарт-шароитларини яратиш имкониятлари кенгайтишига хизмат қилган;

Янги Ўзбекистон орзусини рўёбга чиқаришда миллий ғоя ва демократик ўзгаришларнинг тинчлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, инсон кадри ва ҳуқуқи, қонун устуворлиги ва адолат, моддий ва маънавий ҳаётни уйғунлиги каби мослашувчи ҳамда барқарор ривожланиш мақсадлари, оила, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, Ўзбекистоннинг янги маънавий қиёфасини шакллантириш каби мувофиқлаштирувчи потенциал имкониятларидан фойдаланиш методологик асоси эканлигига доир хулоса ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг “Бухоро вилояти махсус “Жайрон” питомнигида экологик тарбия ва унинг фаолиятини тарғибот ҳамда ташвиқот қилишга янгича инновацион усулларда ёндашиш тизимини шакллантириш” (2018-2019 йй) ижтимоий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси “Жонли табиат” жамоат бирлашмасининг 2021 йил 26 августдаги 19/21-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг табиат ва нафосат олами тўғрисидаги билимларини ошишига, Ватанга муҳаббат, яшил сиёсат диалектикасининг субстанционал бир бутунлиги, бир қатор тарғиботчи ёшлар ўртасида миллий

ғоя ва маънавиятини кенг тарғиб этиш бўйича материаллар тайёрлашга хизмат қилган;

Ўзбекистон худудида юз берган миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар генезисининг корреляцион-функционал ва субстанционал ижтимоий қонунлари ҳамда эволюциясининг қадимги давр, ўрта асрлар цивилизациялари даври, Чор Россияси мустамлакачилиги даври, марксизм-ленинизм ғоялари даври, миллий мустақиллик учун кураш даври, “тараққиётнинг ўзбек модели” даври, “Ҳаракатлар стратегияси” даври ва “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” даври каби тарихий босқичларига оид хулосалар ва тавсияларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 25 августда эфирга узатилган “Ассалом Самарқанд” телекўрсатуви дастур сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 25 августдаги 09-02/449-сон маълумотномаси). Натижада, эфирга узатиладиган кўрсатувларни тайёрлаш ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини кенг аҳолига етказишда муҳим методологик манба бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та илмий мақола (3 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 157 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва илмий янгилиги асосланган, илмий ишнинг мамлакатимиз фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, изланишлар жараёнида олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тарихни диалектик маданий тушуниш миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасининг методологик асоси сифатида”** деб номланган биринчи бобида дастлаб миллий ғоя ва демократия маданий ҳодисалар сифатида ўрганилган, унинг моҳияти, мазмуни ҳамда ижтимоий ондан мустаҳкам жой эгаллашининг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари таҳлил этилган.

Диссертацияда “диалектик маданий тушуниш” – бу табиатдан ўзини ақлий фаолияти туфайли ажратаётган инсоннинг моддий неъматларни ишлаб чиқариш жараёнида ҳам жисмонан, ҳам ақлий жиҳатдан маданийлашиб боришини эътироф этувчи фалсафий қарашлар тизими эканлиги асослаб берилган. Маданият тўғрисидаги концепцияларнинг ютуқларини умумлаштирса, маданият – бу инсон ва улар томонидан ишлов бериб яратилган буюмлар ва муносабатлардир, яъни янги сифатга эга бўлган борлик – маданий борлиқдир. Маданийликка асосий белгилар – ишлов беришга онглилик ва мақсадга мувофиқлик хосдир<sup>6</sup>. Демак, миллий ғоя ҳам, демократик жараёнлар ҳам, уларнинг диалектикаси ҳам инсонлар томонидан онгли равишда ишлов бериб яратилган ҳодиса – маданий ҳодисалар эканлиги илмий изоҳланган.

Жамиятнинг ривожланиши демократик тартиблар асосида юз бериши керак. Бунинг учун миллий ғоя, жумладан, демократия тўғрисидаги қарашларни маданий борлиқнинг ички тизимидан келиб чиқадиган умумижтимоий қонунлар – корреляцион-функционал ва субстанционал қонунлар тўғрисидаги билимлар билан тўлдириш лозим. Шунда миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикаси тизимида миллий ғоя тўлақонли равишда ўз методологик функциясини бажаради. Ҳар бир мамлакатнинг манфаатли истиқболларини ақс эттирувчи ва умуминсоний манфаатларга зид келмаган миллий ғоя, улар сиёсий-ғоявий, ҳуқуқий-ғоявий, иқтисодий-ғоявий, эстетик ва ахлоқий-ғоявий, фалсафий-ғоявий шаклда бўлмасин, бундан қатъий назар, Ш.М.Мирзиёев сўзи билан айтганда танқидий таҳлил асосида юз беради<sup>7</sup>. Танқидий таҳлил аслида, ўз моҳиятига кўра билишнинг диалектик йўли эканлиги фалсафий жиҳатдан асослаб берилган.

Диссертант демократия – тажрибага асосланган ва доимий равишда мазмунан бойиб, баркамоллашиб, моҳияти чуқурлашиб борадиган фаолият эканлигини асослаб берган. Демократик фаолият демократиянинг мавжудлик усули, яъни атрибутидир. Демократияга бундай фаолиятли ёндашув субстанционал ёндашишнинг кўринишидир. Демократия маданий ҳодиса, чунки унинг юзага келишида онглилик бор, мақсадга мувофиқлик бор. У айни вақтда ишлов бериш жараёни ва унинг натижасидир. Агар демократия режим-тартибот сифатида бир бутун маданий тизим қилиб олинса, унда унинг система ташкил қилувчи субстанционал элементлари ҳам мавжуд. Уларнинг биринчиси, инсонлар бўлиб, улар демократиянинг яратувчилари ва ташувчиларидир, яъни субъектларидир. Шунинг учун ҳам демократиянинг халқаро, регион, мамлакат, миллат, синф ва социал қатлам ҳамда оила даражасидаги мазмуни мавжудлиги диссертацияда кўрсатиб берилган.

Диссертацияда агар давлат бўлмаса, фуқаролик ҳам бўлмайти ва аксинча, фуқаролар бўлмаса давлат ҳам таркиб топмаслиги қайд этилган. Улар бир-бирлари билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Демак, фуқаролик жамияти, яъни

<sup>6</sup> Рустамбоев М.К., Абдухаликов С.О. Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар. I китоб. – Тошкент: ТДЮИ., 2005. – Б. 209.

<sup>7</sup> Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. – Б. 235.

Ўз фуқаросига эга жамиятлар – мамлакатлар кишилиқ тарихида мавжуд бўлиб келган. Аммо, демократик фуқаролик жамияти, яъни фуқароларнинг ҳуқуқлари халқ ҳокимияти томонидан таъминланган жамият ҳамиша бўлган эмас<sup>8</sup>. Демократия манфаатлар уйғунлиги ва унинг бошқарилиши экан, бунда халқ ҳокимиятни ўз қўлига олса, манфаатлар уйғунлигини таъминловчи бу ҳокимиятни бевосита демократия ва вакиллик демократияси орқали тартибга солади. Давлат ҳуқуқнинг объективлигидан келиб чиқиши ва унга мувофиқ юридик нормаларни ишлаб чиқиши унинг ҳуқуқийлигидан далолат беришини таҳлиллар асосида кўрсатиб берилган.

Диссертацияда жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий ҳамда маънавий маданияти – ижтимоий ҳаётнинг маданий қисмларига нисбатан маънавий, бошқарувчилик, тартибга солувчилик ва гносеологик асос қонунини бошқариб туриш, маданий борлиқ кишиларнинг социал бирликлари ва унинг томонлари – моддий, маънавий ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятларнинг коррелятив-функционал бир бутунлигидан иборат бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг асосини ташкил этиши ва уларнинг алоқадорлигидан тўртта корреляцион-функционал қонунлар – социал асос қонуни, моддий асос қонуни, маънавий асос қонуни ва бошқариб ва тартибга солиб турувчилик қонунлари келиб чиқиши илмий таҳлил қилинган.

Инсон эҳтиёжлари истеъмоллар негизида доимо ўсиб боради. Бу билан маданий борлиқнинг йўналиши келиб чиқади. Демак, эҳтиёжнинг ошиб бориш қонуни фақатгина иқтисодий эмас, балки умумижтимоий субстанционал қонундир. Жумладан, миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикаси субстанционал элементлари ва босқичларининг генетик равишда бир-бирларини келтириб чиқаришларининг узлуксизликлари доимийдир. Бу узлуксизликдан миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасининг субстанционал илгарилама доиравий айланиши ва демократик эҳтиёжларнинг ошиб бориши қонунлари келиб чиқади. Агар ахлоқийлик (ахлоқий демократия) демократик ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига хос қуйи даражаси бўлса, юқори даражаси қонунларнинг ҳуқуқий бўлиши ва унинг давлат ҳокимияти томонидан қафолатланишидир.

Диссертацияда маданиятни цивилизация билан айнанлаштириш нотўғри эканлиги қайд этилади. Маданият ва цивилизациянинг алоқадорлиги мазмун ва шаклнинг диалектик алоқадорлиги кабидир. Мазмун шаклга нисбатан белгиловчилик характериға эга экан, миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикаси мазмун таркибида амал қилади ва муайян цивилизацияларнинг шаклланишида фаол иштирок этади. Миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасининг цивилизацияларга боғлиқлиги қонунияти ва аксинча, бу қонуниятли тизимда миллий ғоянинг гносеологик ўрни борлиги – цивилизацияон ёндашув орқали аниқланади. Жамиятнинг асосини маданий борлиқ ташкил этар экан, бир цивилизациядан иккинчи цивилизацияға ўтиш

---

<sup>8</sup> Абдухолиқов С.О. Демократия ва фуқаролик жамияти диалектикаси // “Конституция ва фуқаролик жамияти” мавзусида ўтказилган илмий-назарий конференция тезислари тўплами. 2006 йил 25 январ. – Тошкент., 2006. – Б. 9.

биринчи типдаги маданий борлиқнинг иккинчи типдаги маданий борлиққа ўсиб ўтиши орқали юз бериши исботлаган.

Демократик фуқаролик жамияти ҳар бир мамлакатда ўзига хос ҳолда шаклланадиган экан, унинг асосий субъекти миллатдир. Диссертацияда миллат ҳақида ҳам илмий маълумотлар берилган бўлиб, жумладан, Қуръони Каримнинг “Моида” сураси 48-оятда “...Агар Оллоҳ хоҳласа эди, ҳаммангизни бир миллат қилиб қўйган бўлур эди”<sup>9</sup>, - дейилса, ҳадисларда “Кимки бирор миллатни дилидан севса, қиёматда Тангри ўша миллат сифатида тирилтиради”<sup>10</sup>, - деб ўғит берилган. Демак, барча миллатлар Худонинг тенг ҳуқуқли бандаларидир. Шундай экан, диний таълимотлар бўйича Яратган ҳар банданинг ризқ-рўзини ҳам берган бўлади. Ҳар бир банданинг бу ризқ-рўзини топиши эса “сендан ҳаракат, мендан баракат” тарзида амалга ошади. Ризқ-рўз ва уни таъминлаб турган ҳудуд муайян бирликка эга бандаларининг манфаатларидир. Ҳайвонот дунёсида ҳатто шерлар ҳам оила-оила бўлиб, ўз ҳудудлари учун курашадилар. Чунки ўша ҳудуд улар ризқ-рўзининг манбаидир. Ризқ-рўз барча-барчанинг манфаати эканлиги ҳам таҳил қилиб берилган.

Диссертацияда миллий ғоя ва демократия маданий ҳодисалар эканлиги, миллий ғоя, жумладан, демократик ғоя стратегик ўзгаришларнинг гносеологик асоси бўлиб хизмат қилиши, айти пайтда демократик ўзгаришлар эса миллий ғоянинг ҳаётий манбаи ва мезони ҳисобланиши ҳамда миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасининг тарихий босқичлари кишилик тарихи ядроси – маданий борлиқнинг эволюциясига боғлиқ ҳолда юз бериши, маданий борлиқнинг таркибий қисмларининг бир бирига муносабатидан корреляцион-функционал қонунлар келиб чиқиши ва бу қонунлар ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги демократия турларини белгилаб бериши ҳамда ижтимоий борлиқ ижтимоий-тарихий онгни ҳам ўз ичига олиши ва бу ҳолатдан демократик тафаккурнинг шаклланишини асословчи қонуни келиб чиқиши илмий таҳлиллар асосида исботлаб берилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон ҳудудида миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасининг мустақилликка қадар босқичлари”** деб номланган иккинчи бобида миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасининг собиқ иттифоқ даврига қадар бўлган асосий босқичлари, “советлар демократияси”нинг қатағонлари ва миллий мустақиллик заминларининг шаклланиши, ўзбек халқини манқуртликка айлантиришга бўлган сўнгги урунишлар: сохта демократия, натижа ва сабоқлар таҳлил қилинган.

Диссертацияда Марказий Осиёда милоддан аввалги VI асрга қадар Қадимги Хоразм, Бақтрия ва Сўғд мамлакатлари, улардан олдинги Афросиёб цивилизацияси, милоддан аввалги VI асрлардан IV аср ярмигача Аҳамонийлар мустамлакачилиги, бу даврда Ватан мустақиллиги учун курашиб жасорат кўрсатган Тўмарис, Широқ каби аждодлар номлари, милоддан аввалги IV

<sup>9</sup> Қуръони Карим. / Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 144.

<sup>10</sup> Ҳадис. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 140.

асрнинг иккинчи ярмидан III аср ўрталаригача Салавкийлар мамлакати, сўнгра Парфия ва Юнон-Бактрия мамлакатлари, милoddан аввалги II асрдан бошлаб Даван мамлакати, III аср бошларида Қанғ мамлакати, милodий I-IV асрларида Кушон мамлакати ҳамда Эфталитлар, Турк хоқонлиги, Араб халифалиги мустамлакаси – Моварауннахр ўлкаси, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Чигатой улуси, Темурийлар, Шайбонийхон ва Аштархонийлар давлатчиликлари Марказий Осиёдаги ўрта асрлар цивилизацияларини ташкил этиши ҳамда уларнинг давлат бошқарув тизими, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-сиёсий тартиблари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Диссертант Ўзбекистон халқининг ана шу тарихий даврларни ўз ичига олган цивилизация босқичларида қандай ғоялар, мафкуралар етакчилик қилган, шунга асосан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий ҳаётида қандай демократик тафаккур шаклланган, шу асосда қандай амалий хатти-ҳаракатлар қилинган ва уларнинг оқибати нималар билан тугаган деган саволлар туғилишини таъкидлайди. Бу масаланинг ечимини топишда турлича, яъни диний, муодофаа, ҳужум, бошқариш, ишлаб чиқариш каби омиллар нуқтаи назаридан ёндашиш мумкин. Булар ичида миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар ўртасидаги диалектик алоқадорлик бошқа омилларга қараганда нисбатан диний омилларнинг кучли таъсири асосида амалга оширилган, деса хато қилмаган бўлади. “Авесто” бўйича манфаатлар уйғунлиги ва унинг бошқарилуви амалга ошган. Қабила бошлиқлари кенгашидан кейинги бошқарув ҳарбий бошлиқ (қўшинлар бирлашмаси)лар ва Олий Судя ҳисобланган. Бошқарувнинг қуйи бўғини оқсоқоллар кенгашидан иборат бўлган. Мисол учун, ҳудуди Олтойдан бошланиб Марказий Осиё орқали Қора денгизгача ёйилган Турк хоқонлиги марказлашган конфедератив монархия эди. У 15 га яқин яриммустақил давлатларнинг бирлашмасидан иборат бўлган. Хоқон император бўлса, жойлардаги бошқарув беклик шакларида амалга ошган. Албатта, бу туркий халқлар бошқарувидаги ўзига хосликдир. Бу давлат бошқарувида ҳам зардуштийлик, будда, манихейлик ғоявий оқимлари асосий манба бўлган. Манихейликда ҳам зардуштийлик сингари яхшиликнинг тантанаси асосий масала ҳисобланса, Маздак таълимотида эса мулкий тенглик ғояси асосий ўрин эгаллаши диссертацияда фалсафий жиҳатдан асослаб берилган.

Ислom динининг тарқалиши туфайли Марказий Осиёда ҳам Сомонийлардан тортиб Аштархонийлар давлатчилигигача бўлган ислom цивилизациялари мустақил давлатлар сифатида шаклланди. Қуръони Каримда ҳам кенгаш, маслаҳат манфаатлар уйғунлиги ва унинг бошқарилишининг ибтидоси ҳисобланган<sup>11</sup>. Марказий Осиёлик ўрта аср мутафаккирлардан Абу Наср Фаробий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий, Бурхонуддин Али ибн Бакр ибн Абдужалил ал-Фарғоний ал Марғиноний, Амир Темур ибн Тарағай, Алишер Навоий ва бошқаларнинг ўзларининг демократик қарашларида илоҳий китоб – Қуръони Каримда қайд этилган

<sup>11</sup> Саидов А., Жужжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент: Адолат, 1998. – Б. 35.

кенгаш ва маслаҳатни асос қилиб олганлигини, жумладан, Абу Наср Фаробий демократик бошқарув тўғрисида: “Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ва бошлиқлар ҳокими мутлақ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган энг олижаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қиладилар”<sup>12</sup>, -деб қайд этади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, сайлов кенгаш ва маслаҳатсиз юз бермайди. Демак, юқорида кўрсатилган давлатчиликларни бошқаришда мутлақ монарх характери мавжуд бўлса-да, улар тизимида шариат нормалари тизгин вазифасини ўтаган ва мутафаккирларнинг демократик тамойилларга оид қарашлари давлатни бошқариш ишларига кучли таъсир қилган.

Марказий Осиёда ўрта асрларда Уйғониш даври мутафаккирларининг демократик тамойиллар тўғрисидаги қарашларнинг юзага келиши ўлка тарихида ўрта асрларда миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикаси соҳасидаги ўзига хос босқич эканлиги фалсафий жиҳатдан асослаб берилган.

Диссертацияда миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасининг Чор Россияси мустамлакачилиги давридаги босқичлари куйидагича изоҳланади: Сиёсий-ҳуқуқий қарашлар тарихида Чор Россияси мустамлакачилиги даврида ўлкада демократик ғояларнинг тарихий заминлари ва уларнинг йўналишлари илмий адабиётларда тадқиқ қилинган<sup>13</sup>. Жумладан, феодал-клерикал, маърифатпарварлик, XX асрнинг бошларида жади́дчилик ва биринчи жаҳон уруши даврида болше́вистик ғоявий оқимлари мавжудлиги кўрсатилган, Чор Россиясининг босқинчилик хужумлари ва мустамлакачилигига қарши миллий-озодлик ҳаракатлари Турон ўлкасида миллий ғоя ва демократик ўзгаришларнинг Чор Россияси мустамлакачилигидаги биринчи босқичи бўлса, иккинчи босқичи 1905 йилгача бўлган халқ кўзғолонлари ва учинчи босқичи XX аср бошларидаги Советларнинг ҳукмронлигигача бўлган кўзғолонлардир. Бу даврнинг биринчи босқичида дин, иймон ва қарам бўлмаслик ғоялари, иккинчи босқичида демократик маърифатпарварлик ғоялари ва учинчи босқичида жади́дчилик ғоялари асосий ўринга чиққанлиги илмий-назарий таҳлиллар асосида изоҳлаб берилган.

Мустақил миллий демократик жараёнларни барпо этиш истагига жади́дчилик ҳаракати кучли ғоявий таъсир кўрсатган. “Жади́д” сўзи арабчадан “янги” деган маънони беради. Мусулмонлар ва, қолаверса, туркийлар дунёсининг жаҳон тараққиётидан узилиб қолганлигини, бу ғоят хавфли ҳолга барҳам бериш кераклигини ҳамда умумтуркий қавм эл-улуслардаги жаҳолатни йўқ қилиб, маърифат орқали тараққий топган мамлакатларга тенглашиш зарурлигини келтириб чиқарди. Жади́дчилик Ўрта Осиёда XX асрнинг бошларида тарқалди, ундаги асосий масала миллий мустақиллик – истиқлол масаласи эди. Уларнинг жади́дчилик оқими билан умумийлиги мустамлакачилик ва зулмнинг негизида халқнинг саводсизлиги ётибди, бунга

<sup>12</sup> Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 190.

<sup>13</sup> Қаранг: Тошқулов Ж.У. Правовое государство – независимость, нация, экономика, идеология, политика. Том 4. – Тошкент: Адолат, 1994. – С.105-127.

барҳам бериб, халқнинг маънавиятини кўтаришимиз лозим деган ғоялари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги илмий асосланган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда мустақиллик остонаси ва мустақиллик йилларида миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасидаги босқичлар”** деб номланган учинчи бобида мустақиллик ғояси ва уни амалга ошириш учун кураш – демократик ўзгаришлар диалектикасининг асоси, миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасининг “ўзбек модели” босқичи, миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасининг Ҳаракатлар стратегияси босқичи ва унинг субстанционал асослари таҳлил қилинган.

